

Муҳим масалалар муҳокамаси

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши-нинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилган йиғилишда кенгаш аъзолари ҳамкор вазирлик ва идоралар раҳбарияти, бирлашган қўмиталар масъул ходимлари, маданият ва санъат, туризм ва спорт соҳаси вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев сўзга чиқди.

Қайд этилганидек, мазкур кенгаш 2020 йил август ойида ташкил этилган. Ўша вақтда тармоқ таркибида 1160 та бошланғич ташкилот фаолият юритиб, 68 минг нафардан зиёд аъзоларни бирлаштирган. Қисқа вақт ичида тизимда аъзолар сони 2 баробарга ошди.

Айни пайтда 5 та вазирлик билан тармоқ келишувлари имзоланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси, Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси, Спорт фахрийлари кенгаши билан ҳамкорлик меморандумлари тузилган. Ижтимоий шериклик асосида аъзоларимиз ҳақ-ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилиб келинмоқда.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Отабек Мусаев Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси этиб сайланди.

Таъкидлаш жоизки, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси лавозимида ишлаб келган Шуҳрат Деҳқонов 2023 йилнинг 9 октябрида вафот этган эди.

Гулрухбегим ОДАШБОВА
«ISHONCH»

Биз ким эдик, ким бўлишимиз керак?!

Бу саволлар жавоби бугуннинг долзарб масаласига айланиши зарур



ХАЙР, АНГЛИЯ! САЛОМ, ФРАНЦИЯ!

Шу кунларда Индонезияда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Ушбу нуфузли мусобақада футболчиларимиз «Е» гуруҳида Испания, Мали ва Канада терма жамоаларига қарши майдонга чиқиди. Гуруҳда 4 очко тўплаб, кейинги босқичга йўлланма олган юртдошларимизга мусобақанинг 1/16 босқичида чемпионат фаворитларидан бири Англия U-17 рўбарў келди.

Шуни айтиш жоизки, ўйиндан олдин кўпчилик хорижий мутахассислар Англиянинг ютишига шубҳа қилмаётган эди. Аммо...

2:1 ҳисобида биз ютдик ва ҳозирча чемпионатнинг энг кучли саккизта жамоаси қаторидан жой олди!

Энди кейинги босқичда, яъни 1/8 финалда бизга Франция рақиб бўлади. Нима бўпти? Тўп думалоқ, майдон текис...

Олға, йигитлар!

Дарвоқе, чемпионатнинг 1/16 босқичида Эрон U-17 ва Япония U-17 терма жамоалари рақибларига имкониятни бой бериб, мусобақани тарк этишди.

Демакки, энди нимчорак баҳсларида Ўзбекистон ёшлари нафақат Ватанимиз, балки Осиё қитъаси шарафини ҳам ҳимоя қилишади.

Олға, ЎЗБЕКИСТОН!

Алижон АБДУРАХМОНОВ
«ISHONCH»



12 11

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Жиззах вилояти

ҲЕЧДАН КЎРА КЕЧ

ёхуд салкам 30 йиллик меҳнат таътили пуллари ундирилди

Зарбдор тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори Нарзулла Махатов Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Жиззах вилояти кенгашига фойдаланил-жиган меҳнат таътили учун берилиши лозим бўлган компенсация пули иш берувчи томонидан тўланмай келинаётгани ҳақида мурожаат қилганди.

Мурожаат тармоқ касба уюшмалари кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан ўрганиб чиқилиб, иш берувчи томонидан қонун бузилишига йўл қўйилгани аниқланди. Кенгаш талаби билан Меҳнат кодексининг 546-моддаси асосида туман тиббиёт бирлашмасидан шифокор Н.Махатовнинг 29 йиллик фойдаланилмаган меҳнат таътили учун 183 миллион 324 минг 556 сўм компенсация пули ундириб берилди.

– Ўрнимга бошқа мутахассис бўлмагани сабабли ҳар йили меҳнат таътили даврида ўзим ишлашга мажбур бўлганман, – дейди Н.Махатов. – Маъмурият компенсация пулини турли баҳоналар билан тўламай келди. Охири касба уюшма кенгашига арз қилдим. Мурожаатимни қонуний ўрганиб чиқиб, ҳақимни ундириб бергани учун касба уюшма кенгаши ходимларидан беҳад миннатдорман.

Ҳечдан кўра кеч деганларидек, салкам ўттиз йиллик ҳақнинг ун-дирилгани яхши, албатта. Аммо бу масаланинг шунча узоқ чўзилгани сабаби ходим ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишни билмаганидагина эмас, балки жамоада қонун устуворлиги таъминланмаганида ҳам-дир. Шунинг учун мурожаатни ўрганиш давомида тиббиёт бирлашмаси масъулларига, бошланғич касба уюшма ташкилоти фаолларига жамоада ҳуқуқий билимлар тарғиботини кучайтиришга эътибор қаратиш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Шерзод ШЕРБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш
ходимлари касба
уюшмаси Жиззах
вилояти кенгаши
меҳнат ҳуқуқ
инспектори

Касба уюшмаси аралашгач...

Фарғона вилояти

Бағдод туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабида ишлайдиган 21 нафар ўқитувчининг базавий тариф ставкасига Вазирлар Маҳкамасининг 831-қарорига асосан ҳар ойлик устама муассаса махсус комиссияси қарорига мувофиқ белгиланган бўлса-да, устама пуллари тўланмаган. Бундан норози бўлган мактаб ўқитувчилари амалий ёрдам сўраб, касба уюшмаларига мурожаат қилган.

Мазкур мурожаат Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Бағдод тумани кенгаши томонидан ишчи гуруҳ ва мактаб жамоаси иштирокида ўрганиб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ҳодимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, устама ҳақлари умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ҳар ўқув йили охирида, яъни июнь ойида белгиланади.

Лекин 39-умумий ўрта таълим мактабида жорий йилнинг июнь ойида устамага даъвогар педагог ходимларга

АРОСАТДА ҚОЛГАН ҲУЖЖАТ

устама ҳақлари белгиланмаган. Ўрганишлар давомида шу нарса аён бўлдики, ўқув йили сўғида мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият олиб борган Ш.Раҳимов устамага даъвогар 21 нафар педагогнинг барча зарур ҳужжатларини тахт қилиб, мактабга янги тайинланган директорга олиб киради. Мактаб директори И.Қодирова директорлик лавозимига 2023 йилнинг 30 май кундан тайинлангани, ўқитувчиларнинг иш самарадорлигини, уларнинг фаолиятини тўлиқ билмаслигини билдиради. Бу орада директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ш.Раҳимов меҳнат таътилига, ундан сўнг ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб чиқиб кетади. Шу за-йлда устама олувчи педагогларнинг ҳужжатлари аросатда қолиб кетади.

Мактаб директори бошчилигидаги махсус комиссия шу йилнинг 28 августидан йиғилиш ўтказиб, 22 нафар педагогга устама ҳақлари белгиланган қарор қилган. Бироқ махсус комиссия томонидан тайёрланган қарор ва буйруқлардаги

камчиликлар сабаб Бағдод тумани адлия бўлими томонидан юридик аҳамиятга эга ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида ҳуқуқий хулоса жорий йилнинг октябр ойига қадар тасдиқланмасдан қолади.

Тоқати тоқ бўлган устама олувчи педагоглар махсус комиссия фаолиятдан норози бўлиб, касба уюшмаларига мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Юзага келган мазкур ҳолат Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Бағдод тумани кенгашининг саъй-ҳаракати билан ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилиб, устама олувчи ўқитувчиларга 2023-2024 ўқув йилида устамадан белгиланиб, туман адлия бўлими томонидан тасдиқдан ўтказилди. 39-умумий ўрта таълим мактаби директорининг 18 октябрдаги 190-11-152-DUM/2023-сонли буйруғи расмийлаштирилиб, унга кўра, устама олувчи 22 нафар педагог ходимга тегишли ҳақлари белгиланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Сирдарё вилояти

Ховос туманидаги «Хуснобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шаҳноза Ўрунованинг айтишича, бу ердаги аёлларнинг бари ғайратли, шижоатли. Маҳаллада истиқомат қиладиган 1268 нафар аёлнинг 68 нафари «Аёллар дафтари»да ҳисобда туришади. Кўпчилиги давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйиб «дафтар»дан чиқишяпти.

Шундайлардан бири Дилором Худойбердиева. Бу чевар аёл ўз иш фаолиятини кенгайтириш имконини изларди. Субсидияга 2 та тикув машинаси берилгач, иш унуми ошди. Яна тўрт нафар аёлни ёнига олди, ишли қилди. Бу юртмалар кўпайиб, кирим орта бошлагач, «Аёллар дафтари»дан чиқди.

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

ХУСНОБОД «ГУЛЛАР»И

Яхши ният билан ҳовлининг четидан бир хонага девор кўтариб қўйишганди. Энди ўшани битириб, тикув хонаси қилишмоқчи. Шунда яна бир неча аёлни ишга олиш имконияти юзага келади. «Хунарли бўлса яхши экан-да» деб унга ҳавас қилган аёллардан 17 нафари касб-хунар коллежида ўқитилди. Бу аёлларга энди субсидия ҳам берилади. Шу таразда ҳар бир аёл ўзини-ўзи иш билан таъминлайди.

Иссиқхона ташкил этиб, шунинг орқасидан яхшигина даромад олаётган Улжаной Иргашева, Санобар Байдуллаевалар помидор ва бодрингдан бўшаган ерларга кўкатлар экиб, уларнинг парвариши билан банд. Юлдуз Жўраева имтиёзли кредит олиб тикувчиликни бошлаган. Нортोजи Хўжамуродованинг инкубаторда жўжа очириб, мўмай даромад қилгани ҳамманинг оғзиди.

Хуснободда ҳамма бир-бирини яхши танийди, аҳволидан хабардор. Боқувчисини йўқотган Гулноза Абдуазимованинг талаба ўғлига контракт тўлови, Бўйражаб Талабаеванинг жарроҳлик амалиётига 11 миллион 800 минг тўланишида «Аёллар дафтари»да турганликлари сабаб бўлди. Ўтган йили «дафтар»даги Лобархон Алиева, Муножот Файзиева, Ўғилой Уматоваларнинг уйлари таъмирлаб берилганига ҳам кўпчилик гувоҳ. «Аёллар дафтари» тизими ташкил этилганидан буён ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд ҳеч бир аёл эътибордан четда қолмаяпти, уларга ўз вақтида зарурий ёрдам ва кўмак берилмоқда. Шу боис хуснободлик аёллар кўнгли шукроналикка тўла.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



Қорақалпоғистон Республикаси


Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида 19 минг нафарга яқин талаба – 11 миллат вакиллари бир оила фарзандларидек тинч ва тотувликда таълим олишмоқда.

Ўзбекистон – умумий ўйимиз ДЎСТЛИК ТАРАННУМИ

Яқинда таълим муассасасида «Биз – бир оила фарзандларимиз!» деб аталган тадбир ташкил этилди. Унда институт ректори ва-зифасини вақтинча бажарувчи Қ.Қодиоров сўзга чиқиб, юртимизда 130 дан зиёд миллат вакиллари бир-бирига дўстона муносабатда ва аҳилликда яшаётганини фахр билан тилга олди.

Институтнинг «Тўмарис» ансамбли ҳамда талабалар иштирокидаги куй-қўшиқлар тадбирга байрамона шуқуҳ бағишлади.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Етакчининг бир куни

Жаҳонгир одатдагидек ишга барвақт келди. Бугунги қилинадиган ишларни ён дафтарига қайд этди:

- янги ходимлар билан меҳнат шартномаси тузиш ва сўхбатлашиш;
- ўқув-лаборатория хоналарида машғулот ўтказишда меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;
- меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг хонадонига бориб, ҳолидан хабар олиш;
- беш ташаббус ғолибларини тақдирлаш тадбирини қатнашиш;
- «Яшил макон» умуммиллий дастури асосидаги тадбирда иштирок этиш;
- ички туризм лойиҳаси асосида уюштирилаётган саёҳат йўналишини аниқлаш...

ДАРДКАШ

Шу пайт эшик тақиллаб, хонага хўжалик бўлими ходими Жамшид Қудратов кириб келди.

- Соғлиғимни тиклаш учун санаторийга йўланма олишга ёрдам берсангиз, – деди у.
- Сиз аввал шифохонага боринг, – деди раис.
- Врачлар кўриқдан ўтказиб, аниқ ташхис билан қайси санаторийда дам олишингиз мумкинлигини айтишади. Шу асосда юқори ташкилотга мурожаат қилиб, сизга йўланма олиб берамиз.

Ходим хонадан мамнун ҳолда чиқди. Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосий мақсадимиздир, – дейди Жиззах давлат педагогика университети касаба уюшма кўмитаси раиси Жаҳонгир Мажидов. – Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида устама ҳақ, мукофот, рағбатлантириш ва моддий ёрдам кўрсатишни таъминлаб келяпмиз.

Жорий йилнинг шу давригача университет маъмурияти томонидан 90 нафарга яқин ходимга моддий ёрдам кўрсатилди, 250 нафарга яқини рағбатлантирилди. Барча ходимлар байрамлар арафасида моддий қўллаб-қувватланди. Университет касаба уюшма кўмитаси томонидан профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг довланишлари учун санаторийларга йўланмалар ажратилмоқда. 85 нафар профессор-ўқитувчи ва ходим сиҳаттоҳларда дам олди. Ходимларнинг 45 нафар ўғил-қизлари учун оромгоҳларга йўланмалар берилди. Нафақада бўлган, шунингдек, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар ҳолидан хабар олинапти. Пенсия ёшига етган ходимлар меҳнати ҳам эътиборда.

– Яқинда «Чинобод» санаторийсида дам олиб, саломатлигимни тикладим, – дейди хорижий тиллар факультети декани Абдуғофур Маматов. – Ақлий меҳнат билан машғул кишилар учун сиҳаттоҳларда саломатликни тиклашнинг аҳамияти катта. Ана шундай имкониятни яратган касаба уюшмасидан мамнунмиз.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури доирасида 350 нафарга яқин ходимнинг Бухоро, Шаҳрисабз, Самарқанд, Тошкент шаҳарларига саёҳатлари ташкил этилди.

– Жаҳонгир Мажидов зиммасидаги вазифага масъулият билан қарайди, – дейди Жиззах давлат педагогика университети жамоатчилик кенгаши раиси, доцент Абдували Шамсиев. – У жамоат ишларида ҳам фаол. Жамоатчилик кенгаши аъзоси сифатида ариза ва мурожаатларни ўрганиш, уларнинг ижросини таъминлашга яқиндан кўмаклашади.

Касаба уюшма кўмитаси раиси режалаштирилган барча ишларга улгуриб, қилинган ишларни сарҳисоб қилганча хонадан чиққанда қоронгу тушган эди. Бу пайтда ранг-баранг бриткичлар оғушида Жиззах шаҳри кўчалари ўзгача кўрк ва тароват бағишлаб турарди.

Абдусаттор СОДИҚОВ



Тошкент вилояти

Тадбир

«БИЗ БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ»



«Худудгаз Тошкент»нинг бошланғич касаба уюшма кўмитаси томонидан «Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари», «Биз бирлаш-

сак – Ватанмиз» ғояларини ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан фахрийлар касаба уюшмаларининг ўтмиш ва ҳозирги кундаги фаолияти ҳамда ҳозирда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир асносида спортнинг шахмат-шашка турлари бўйича мусобақалар ташкил қилинди. Аъзоликка қабул қилинган ходимларга «Касаба уюшма аъзоси билетлари» топширилди.

Ўзғал МАҲМАДАЛИЕВА,
«ХудудгазТошкент» газ таъминот филиали бошланғич касаба уюшмаси ходими



Фарғона вилояти

Мусобақа



СПОРТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши томонидан Қувасой шаҳридаги «Аҳмад ал-Фарғоний» дам олиш уйида «Касаба уюшмалари – спорт тарғиботчиси» шиори остида эркаклар ва аёллар ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда тармоқ касаба уюшмаларига аъзо корхона ва ташкилотларда меҳнат қилиб келаётган ишчи-ходимлар спортнинг шахмат-шашка ва стол тенниси бўйича беллашдилар.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғанишер ПАЙЗИЕВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири



Бухоро вилояти

ЯХШИ ДАМ – МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

«Бухоро минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси ҳудудий касаба уюшма кўмитаси томонидан 200 нафар корхона ишчи-ходим ҳамда уларнинг оила аъзолари учун концерт-шоу дастурига бепул чипталар тақдим этилди.

Улар вилоятнинг энг хушманзара туристик маркази ҳисобланган «Bukhara Desert Oasis/Spa» дам олиш масканида таниқли хонандалар ижодидан баҳраманд бўлишди. Шу куни 40 нафар ишчи-ходим ҳудудий кўмита томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунинг билан бир қаторда муассаса тасарруфида бўлган корхона, ташкилотлар ишчи-ходимлари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

Насиба БОБОМУРОВОВА,
«Бухоро минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси ҳудудий касаба уюшма кўмитаси маданий-маърифий ва спорт ишлари йўриқчиси



Навоий вилояти

Таҳлил

БУ КУРАШДА МУРОСАГА ЎРИН ЙЎҚ

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Коррупциянинг олдини олиш, аниқланган ҳолатлар бўйича жазо муқаррарлигини таъминлаш ва бу борада халқроқ ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш учун махсус давлат органи ташкил этилиб, бу борадаги давлат сиёсатининг институционал асослари такомиллаштирилди. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилди. Ушбу ислохотлардан кўзланган асосий мақсад коррупция иллатларига барҳам беришдан иборатдир.

Шу ўринда Президентнинг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муроасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамяят бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини алоҳида қайд этиш жоиз. Ушбу дастур 44 та чора-тадбирни ўз ичига олиб, ижро муддатлари, масъул ижрочилар, ижро механизми аниқ белгилаб қўйилган.

Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш коррупци-

яга қарши курашишда устувор вазифа ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 16 июнда қабул қилинган «Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига кўра, барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини тасдиқлашлари лозимлиги жорий этилди. Шунингдек, бюджет харажатларини тартибга солиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бюджет қонунчилигининг бузилиши фактлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет жараёнини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритиш тартиб-таомилини ташкил этиш бўйича «Openbudget» – «Очиқ бюджет» портали ишга туширилди.

Ушбу чора-тадбирлар самарасига юзлаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Коррупцияга қарши муроасиз муҳитни яратиш жамоатчиликнинг кенг иштирокида амалга оширилаётган жараён. Бугун виртуал қабулхоналар, «Ишонч телефони» ҳамда ҳар бир вазирлик ва давлат идоралари раҳбарларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида «сайёр қабуллар»ни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилгани бу борада амалий ишларнинг ифодасидир.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар самараси халқроқ минбарларда ҳам қайд этилмоқда. Хусусан, «Transparency International» халқроқ ноҳукумат ташкилоти томонидан 2022 йил якунлари бўйича Ўзбекистон коррупцияга қарши кураш рейтингига ўз ўрнини 14 поғонага яхшилади. Ваҳоланки, 2020 йил якунлари бўйича «Коррупцияни қабул қилиш индекси» рейтингига мамлакатимиз 180 та давлат ўртасида 146-ўринни эгаллаган бўлса, 2019 йилда 153-, 2018 йилда 158-ўринларни банд этган эди. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида коррупцияга қарши курашишда сезиларли илжобий кўрсаткичга эришган, коррупцияга қарши кураш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарали натижалар бераётганидан далолатдир.

Мухтасар айтганда, коррупцияга қарши курашиш, уни бартараф этиш давлатнинг иши дегувчилар қаттиқ янгилашади. Бу жараён аҳолининг муроасизлиги билан чамбарчас боглиқ. Шу мақсад йўлида бирлашиш, ҳамжиҳат ва ҳамфикрликда фаол иштирок этиш, энг аввало, ҳар бир фуқаро фаровон ҳаётининг кафолатидир.

Саодат БОЗОРОВА,
халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати



АЛИМЕНТГА УЙ ТАЛАБ ҚИЛИНСА...

САВОЛ:

Икки нафар фарзанди бор ажрашган аёл алимент ундириш талаби билан бирга ёки алимент тўлаш ўрнига турмушидан аввал собиқ қайнотаси эрига ҳадя қилган уч хонали квартирани беришини талаб қилса бўладими?

Нафиса ОМОНОВА

Ғиждувон тумани

ЖАВОБ: Оила кодексининг 134-моддасида алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга биноан алимент тўлаш усуллари ва тартиби кўрсатилган. Хусусан, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув бўйича алимент тўлаш усуллари ва тартиби шу келишувга кўра белгиланади.

Алиментлар: алимент тўлаши шарт бўлган шахсининг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушларда; вақти-вақтида пул билан тўланадиган қатъий суммада; бир йўла пул билан тўланадиган қатъий суммада; мол-мулк билан ёки келишувда қайд этилган бошқа усулларда тўланиши мумкин.

Алимент тўлаш ҳақидаги келишувда алимент тўлашнинг турли усуллари бирга қўшиб қўллаш ҳам назарда тутилади. Аёл собиқ турмуш ўртоғи билан унга тегишли квартирани бериш-бермаслик хусусида ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда даъво аризаси билан тегишли фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.


Ҳуқуқ ва халқроқ ҳаёт бўлими



Бугун юртимизнинг қай гўша-сида бўлманг, деярли ҳар қадамда бир-биридан кўркам ва мухташам тамаддихоналарга кўзингиз тушади. Уларда тайёрланадиган егулигу ич-гуликлар ҳам ранг-баранг, аниқроғи, миллий ва Европа таомларининг сон-саноксиз турлари бор. Хўранда эса овқатланиш жойини ўз истаги ва имкониятига қараб танлаши мумкин. Аммо ҳар ернинг ўз тошу тарозиси бўлганидек, уларнинг нархи, сифати ва ҳажмида ажабланарли даражада тафовут мавжуд. Масалан, бозордаги баҳоси унчалик фарқ қилмайдиган айнан бир хил масаллиқлардан пиширилган таом аксарият кафе-ошхоналарда турли нархларда сотилади. Бу эса кўпинча истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир.



Умумий овқатланиш шохобчларидаги бу аҳволнинг асл сабабларини кимлар ва қандай изоҳлайди?



Биз ушбу муаммони энг кўп истеъмол қилинадиган сеvimли овқатларимиздан бири бўлмиш палов мисолида ўргандик. Уни тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг бозордаги нархидан тартиб кафе-ошхоналарда тайёр таом сифатида сотиладиган баҳосигача – барчасини атрофлича таҳлил қилдик.

Аниқлашимизча, пойтахтимиздаги оддий ош марказларида бу таомнинг бир порцияси 30-37 минг, машҳур ош марказлари ва миллий ошхоналарда 35-38 минг сўм, кафе-ресторанларда 40 мингдан 80 минг сўмгача экан. Баъзи емакхоналарда 10 фоиздан 25 фоизгача миқдордаги хизмат ҳақи ҳам қўшилса, бу нархлар янада кўтарилади. Устама ҳақнинг ярми официантларга, ярми фар-

рошларга маош сифатида тарқатилади. Бироқ у нега хўрандалар ҳисобидан тўланишини бизга ҳеч ким рўй-рост тушунтириб бермади.

Тўғри, официант хўрандаларга хизмат қилади. Қолаверса, «чайчақа» бутун дунё тажрибасида бор. Уни истеъмолчи кўнглидан чиқариб бериши ҳам мумкин. Аммо айрим жойларда юқори даражада белгиланган хизмат ҳақи умумий ҳисоб анча қимматлашишига олиб келади.

Аслида официантлар хизмати тамаддихона ривожини ва фойдасини учун йўлга қўйилади. Бу ҳам ўзига хос этика ва маданият! Лекин овқатланиш шохобчалари сотадиган маҳсулотларидан соф фойда ола туриб, яна нега официантларнинг иш ҳақини истеъмолчилар бўйнига олиб қўйиши керак? Устига-устак, аксарият емакхона раҳбарлари солиқ тўламаслик учун официантлар билан меҳнат шартномаси тузмайди, ёки жуда кам миқдорда маош беради. Сирасини айтганда, 20-25 фоизлик хизмат ҳақи масаласи сиримасдек кўринса-да, замирида катта муаммо муҳасам. Демак, албатта, бу масала алоҳида

назорат олиниши керак.

Овқатлар қийматини белгилаш тартиби ва баҳолар ўртасидаги тафовутлар ҳақида сураганимизда, иш бошқарувчиларнинг кўпчилиги бир хил жавоб берди. Яъни нархлар тамаддихоналарнинг жойлашуви, қулай шароити, сифатли хизмат кўрсатиши ҳамда талаблар инobatта олинган ҳолда белгиланишини айтишди.

– Аксарият кафе ёки рестороанлар раҳбарлари таомлар нархини истеъмолчилар ҳамени кўтарадиган даражада қўйишади, – деди пойтахтимиз марказидаги «AGAT» кафеси иш бошқарувчиси Усмон Абдуфотихов. – Шунингдек, овқатлар баҳосига улар жойлашган ҳудуд, ишлатиладиган маҳсулотлар сифати ҳам таъсир қилади. Масалан, биз палов учун зарур сифатли масаллиқларни «Чорсу» ва «Фарҳод» бозорларидан харид қиламиз. Гўшти бошқа жойдан олмаимиз, чунки ўзимизнинг қушхонамиз бор. Бир қозон ошга 2-2,5 миллион сўм харажат қиладиган бўлсак, унинг учдан икки қисми харажатларни қоплашга сарфланади, учдан бир қисми соф фойда сифатида қолади. Бизда бир кишига мўлжалланган 300-350 граммлик ошнинг баҳоси – 32 минг сўм. Фақат таомларга пул тўланади, хизмат учун ҳақ олинмайди.

– Овқатланиш шохобчаларининг ҳам ўзига яраша харажатлари бор, – дейди «Ош маркази»нинг Бодомсўр филиали иш бошқарувчиси. – Баъзиларининг ижара ҳақи қиммат, жойлашган ҳудуди қулай, овқатлар нархи ҳам шунга яраша. Қайси емакхонани танлаш эса истеъмолчилар ихтиёрига ҳавола. Айрим ошхоналар 100 нафар харидорга хизмат кўрсатиб орттирган даромадини бошқа бир кафе 10 кишилик овқатни пуллаш эвазига топади. Лекин муайян турдаги овқатга ишлатиладиган масаллиқлар деярли бир хил бўлади. Умумий қиймати 600 минг сўмлик 40 кило гуручдан ош дамлаш учун 180 минг сўмлик 10 литр ёғ, 300 минг сўмлик 60 кг. сабзи, 160 минг сўмлик 4 кг. майиз, 120 минг сўмлик 4 кг. нўхат, 60 минг сўмлик 1 кг. зира, 4 миллион 250 минг сўмлик 50 кг. гўшт ва бошқа харажатларни қўшганда – жами 7 миллион сўм атрофида маблаг сарфланади. Пиширилган ош 280 пор-

ция бўлади ва фойда шунга қараб белгиланади. Ҳар бири 30 минг сўмдан сотилади, хизмат ҳақи эса 10 фоиз. Менимча, бу унчалик қиммат нарх эмас.

Юқорида ўқиганларингиз Тошкент шаҳри тамаддихоналаридаги ўртача нархнаво. Аслида 40 минг сўмлик ош баъзи жойларда 20-25 фоизлик хизмат ҳақи билан 50-60 минг сўмга айланади. Масалан, машҳур ош марказида унинг бир порцияси 38 минг сўм. Қўшимча гўшт 17 минг, қазми 7 минг, бедана туҳуми 1,5 минг, дўлма 2 минг сўм. Барчаси яхлит ҳолда олинса, 50 минг сўм бўлади. Хизмат ҳақи қўшилса, 60 минг сўмга айланади. 40 минг сўмлик ош тортиладиган айрим кафеларда 20 фоизлик хизмат ҳақи билан унинг баҳоси 70-80 минг сўмга кўтарилади. Хизмат ҳақи 12 фоизлик бошқа бирда паловнинг нархи нега 45 минг сўм эканига изоҳ сўраб ўтирмадик.

Тайёр таомнинг ўртача баҳосини билиш учун «Чорсу» бозорида бўлиб, ош масаллиқлари нархларига қизикдик. Қўзатишларимиздан аён бўлишича, оддий гуручнинг ҳар килоси улгуржи нархда **16 минг**, ошхоналар учун «Лазер» **25 минг**, «Аланга» **20 минг** сўмдан сотилади. Ёғнинг литри **15-20 минг**, 1 килограмм нўхат **20-35 минг**, зира **100-150 минг**, майиз **30 минг**, қора мурч **80 минг**, қорағат **150 минг**, зирк **130 минг**, 100 грамм дафна барги **10 минг сўм**.

Оддий ошхоналар эгалари Покистондан келтирилган ҳар килоси 55-60 минг сўмлик мол гўшти, бошқалари 90 минг сўмлик қўй ва 85 минг сўмлик мол гўшти, 150 минг сўмлик қизғириқ харид қилишар экан. Бу бозорда тўй оши 25-27 минг сўмдан сотиларкан.

Табиий, энди ҳақли саволлар туғилади: хўш, умумий овқатланиш шохобчаларидаги таомлар баҳоси ва ҳажмига қўйиладиган талаблар мавжудми? Уларнинг нарх-навоиси қандай шакллантирилади? Бу корхоналар турли тоифаларга, яъни ресторан, кафе, бар, ошхона, чойхона, қаҳвахона, меҳмонхона, тўйхона ва бошқа шу каби муассасаларга бўлинади. Улар ўз тоифасига қараб макомини белгилайди ва истеъмолчиларга хизматларини таклиф этади.

Ошхоналарда таомлар тайёрлаш учун сотиб олинган масаллиқлар нархига 50 фоизгача устама қўйилиши бел-

гиланган. Чунки уларда овқатлар буюртма бўйича пиширилмайди, балки олдиндан тайёрлаб қўйилади. Кафеларда эса ярим тайёр таомлар бўлиб, буюртма олинган, тайёрланади. Официантлар хизмати ҳисобга олингани боис уларнинг нархи ошхонаниқига нисбатан қимматроқ бўлади. Кафе маъмурияти ушбу масаллиқлар нархига нисбатан 100 фоизгача устама нарх қўйиш ҳуқуқига эга. Никоҳ ва бошқа маросимлар ўтказиладиган тўйхона эгалари буюртмачи билан келишиб, 50 фоиздан 100 фоизгача устама ҳақ олишлари мумкин. Ресторанларда эса 200 фоиздан 300 фоизгача устама қўйилишига рухсат этилган. Боиси, буюртма қилинган егуликларни тезда сифатли қилиб тайёрлашда бир неча ошпаз иштирок этади ҳамда мижозларга бир неча официант хизмат кўрсатади.

Ҳеч кимга сир эмас, эндиликда аксариятимиз кафе, рестороан ва ошхоналарда овқатланишга одатланганмиз. Бу масканларда байрамлар, тантанали тадбирлар, тўй ва маъракалар ҳам ўтказилади. Улар туризм нуқтаи назаридан ҳам муҳим тармоқ саналади. Шу боис мамлакатимизга мазали таомларни тановул қилиш учун келадиган сайёҳлар ҳам бор. Кафе-ресторанларнинг кўриниши, дизайни эса бир-биридан ажойиб. Хўрандалар зали қимматбаҳо мебеллар, махсус анжомлар билан жиҳозланган, деворлари чиройли суратлар ва безаклар билан сайқалланган. Столлар устидаги дастурхонларга антика идиш-товоқлар қўйилган. Ҳозирги рақобат муҳитида баъзи тамаддихоналар театрлашиб ҳам кетган. Бинобарин, уларда фақат таомлар учун эмас, балки ўша гўзалликлар, бадастир шароитлар, сифатли хизматлар учун ҳам ҳақ олинади.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси мутахассиси Жамол Қодиров тамаддихоналардаги нарх-навоини тадбиркорларнинг ўзлари белгилаши, бу масалага қонунан аралашши мумкин эмаслигини айтди. Мазкур шохобчалар мутасаддилари эса мавжуд ҳолатлар ва тафовутларни оқлаш учун кўплаб ваз-баҳоналарни руқач қилишлари мумкин. Лекин бу истеъмолчилар ҳуқуқларини поймол қилиш учун асос бўлолмайди. Ўз навбатида, шунинг унутмаслик керакки, нарх-навоиларни тартибга солидиган, аҳоли даромадлари, истеъмол саватчаси каби кўрсаткичлар эътиборга олинган тегишли меъёрий ҳужжат қабул қилинмас экан, таомлар нархи ўсишда, уларга ҳар ким ўз билгича устама ҳақ қўйишда давом этаверади...

Умидда ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Гулрухбегим ОДАШБЕКОВА,
«ISHONCH» мухбирлари.

Баҳор ва кўз фаслларида кўчаларда итлар дайдиб юрганини бот-бот кўрамиз. Бунини кўпинча оддий ҳолат сифатида қабул қиламиз. Баъзан эса «Ишқилиб, улар одамларга, айниқса, ёш болаларга ҳужум қилиб, жисмоний зарар етказмасмикан ёки касаллик тарқатмасмикан?» деб, хавотирга тушамиз. Хўш, дайди итларга боғлиқ бундай ноҳушликлар рўй бермаслиги учун айни кезларда юртимизда қандай ишлар амалга ошириляпти? Биз бир неча масъул шахслар билан шу ҳусусда суҳбатлашдик.

– Маҳалламиз Нурафшон шаҳри марказига яқин ерда жойлашган, – дейди Тошкент вилояти Нурафшон шаҳридаги «Ойбек» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадҷон Ҳайдаров. – Бу ҳудуд доимо одамлар билан гавҷум бўлса-да, кўчаларда дайди итлар кўп учрайди. Қолаверса, маҳалламизда бошқа динларга эътиқод қилувчилар қабристонлари ҳам бор. Уларнинг урф-одатларига кўра, марҳумларнинг яқинлари вақти-вақти билан қабр устига турли егуликлар қўйиб кетишади. Қарабсизки, зум ўтмай, ўша атрофда қаровсиз итлар ҳозир-нозир бўлиб қолишади.

Ҳа, айтганча, анча йиллар олдин мен ҳам зотдор ит боққанман. Бир сафар қизқоққа рўй берди. Қиш фасли, ҳаво ниҳоятда совуқ эди. Кечаси ухлаб ётганимда итим тинимсиз ақиллаб ва ойналарни тирнаб, ухлатгани кўймади. Сўнгга кўчага бошлади. Ташқарига чиқиб қарасам, дарвозамиздан 35-40 қадам нарида ғирт маст маҳалладошим мукка тушиб ётибди. Итим доимо ичб юрадиган ва кунда-кунора бизниқига кириб-чиқиб турадиган бу одамни яхши танирдим. Шунданми, гарчи тилсиз-забонсиз бўлса-да, мени ноҳуш ваъзятдан иссиғида бохабар қилган бўлса керак. Акс ҳолда, ўша киши ҳақратан совуқда музлаб, вафот этиши эҳтимолдан холи эмасди. Бунини ўзи ҳам ҳали-ҳамон айтиб, кейинчалик машина уриб кетиши оқибатида нобуд бўлган итимни эслаб юради. Бу жониворларнинг инсонга вафодорлигини исботловчи мисолларни кўплаб келтириш мум-



Эъзоза УМРЗОҚОВА олган суратлар

ДАЙДИ ИТЛАР НЕГА КЎПАЙМОҚДА?



кин. Бироқ маҳаллани айланганимизда, аксарият кўчалар ва ҳовлилар тоза-озода эмаслигига, ўша атрофда яшовчилар чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаб кетишигига, дайди итлар уларни титқилаётганига гувоҳ бўламиз. Демакки, аввало, одамларнинг ўзида маънавият ва маданият етарлича шаклланмаса, муаммолар урчиёверади.

Итларни овловчи Александр Нам билан гурунглашганимизда, у итларга ваҳшийларча муносабатда бўлаётганлар ҳам кўпчилигдан нолди:

Улар итларни аёвсиз калтаклаб, майиб ҳам қилишади. Шу сабабли бу жониворлар онгида кўркүв ва одамзодга нисбатан нафрат шаклланган. Айримларининг ўта жаҳддорлиги ва тахо-вузкорлиги яққол сезилиб туради.

Бир кун яъни туғилган ва кутига солинган, ҳали кўзлари ҳам очилмаган ўнта нимжон кучукчани ташлаб кетишибди. Уларни уйга олиб келдим. Лекин қандай овқатлантиришни билмадим. Ахир, чақалоқларнинг эскироқ идишида сўт бердим. Барибир фойдаси бўлмади, барчаси бирин-бирин нобуд бўлди. Мен уларга жуда ачиндим. Ҳозир ҳам уйимда эгалари ҳайдаб юборган итлар бор. Қанибди, бундай қисматга дучор бўлган итларнинг ҳаммасини боқиб имконим бўлса...

Нурафшон шаҳри бўйича ҳар ойда ўртача 30 та итни тутиб, бўлимга топшираман. Албатта, уларни овлаш осон эмас. Чунки ўша лаҳзалардаги аҳоли қандайлигини, қанақа касали борлигини олдиндан билмаймиз. Бундан қатъи назар, уларни тутишимиз керак. Шу жараёнда баъзилари бизни тиллашга ҳаракат қилади, қучлироқлари ўзини у ёқ-бу ёққа отади.

Оқилгини айтсам, бу ишга келганимдан бери ўтган 7 ой ичида мени икки марта ит тишлади.

Охиргисига уч ой бўлган эса-да, ҳалигача оёқларим оғрийди, сал оқсоқланиб юраман. Бизни ҳар олти ойда эмлаб туришади, лекин ит тишлагач, қўшимча даволаниш ҳам керак-ку! Шунақа пайтда пул тополмайман. Чунки маошим жуда кам. У ёғини суриштирсангиз, бизга махсус кийим-бош, итларни тутиш учун тумшук мосламаси ва хавфсизлик воситалари берилмайди. Ҳаммасини ўзимиз топиб ишлатаямиз.

Нурафшонда ҳам қаровсиз, ташлаб кетишган ва дайди итлар учун битта иншоот қурилса, айни муддао бўларди. Чунки борган сари одамлар ит боқилиши исташмаяпти, бу иш ҳаром деб, баъзан машиналарда ҳам ташлаб кетишяпти. Яна бир ачинарли ҳолат – ит боқаётган одамлар кўпинча уларни боламай, бўш қўйиб юборишади. Бу атрофдашларга катта хавф туғдиради. Борди-ю, кўчада санғиб юрган ўша итни ушласангиз, устингиздан ишқоят ҳам ёзишади.

Мен юқорида айтилган сабабларга кўра, ҳозир ишдан кетиш пайидаман.

Ўрта Чирчиқ тумани ветеринария бўлими бошлиғи Бекмурод Мелибоевнинг таъкидлашича, хонадонлардаги итларнинг бўйнида тасмаси бўлиши ва улар боғланган ҳолда боқилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, барчаси эмланиши шарт. Афсуски, аҳоли орасида бу талабларга риоя қилмайдиганлар кўп. Алақоқибат, итларнинг қаровсиз қолиши ва кўчаларга ташлаб кетилиши билан боғлиқ ҳолатлар кўпаймоқда.

– Жорий йил бошидан буён туман аҳолиси томонидан боқилаётган итлардан 17 минг 280 таси эмланди, – дейди Бекмурод Мелибоев. – Ходимларимиз уйма-уй юриб, ҳар биридаги итларни кўздан кечиришмоқда ва рўйхатга олишмоқда. Бу ишлар асосан хонадон эгалари уйда бўладиган дам олиш кунлари амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, итларни эмлаш билан тўлиқ қамраб ололмаяпти. Агар боқиб ниятида хонадонига ит олиб келган киши бизга бу ҳақда вақтида хабар берса ва унинг дарҳол эмланишига алоҳида эътибор қаратса, ишимиз анча енгиллашарди. Пировардида бу жонзотларни тўлиқ рўйхатга олишга ва эмлашга эришардик.

Бизнинг энг катта муаммоимиз дайди итлардир. Чунки қаровсиз қолгани боис улар қаердан келгани, қайларда юргани ва бошқа ҳолатлари мавҳумлигига қолади. Бу эса инсонлар учун ҳам, бошқа уй ҳайвонлари учун ҳам хавфли саналади.

Яна бир зап. Эндиликда аҳолининг аксарияти ўз хонадонига ит боқилиши хоҳламаяпти. Кунин кун бир киши машинасида ўзи олиб келган итни олтига баласи билан кўчага ташлаб кетибди. У ерда эса, кичкинтойлар ўйнаб юрган экан. Ит

болаларини қизғаниб, ким яқинидан ўтса, уларни тишламоққа чоғланибди. Яхшиямки, бу ҳолатга лоқайд бўлмаган фуқаролар бизга хабар беришди. Шу тариқа рўй бериши эҳтимоли бор кўнгилсизликларнинг олди олинди.

Дарвоқе, биз маҳалла раислари билан ҳар бир хонадондаги ит боғлаб боқилиши юзасидан келишиб олганмиз. Унга кўра, бўйнида тасмаси бўлмаган ва дайдиб юрган ҳар қандай ит қаровсиз деб топилади ва ободонлаштириш бўлимининг махсус ит овлаш бригадаси томонидан олиб кетилади. Албатта, бу чорага қарши чиқадиганлар ҳам топилади. Аммо дайди итлар тобора кўпаяверса, зарур чораларни қўллаш ҳам шарт-ку!

Суҳбатдошларимиз гапларидан аён бўляптики, айримларини кўчаларда қолдириб кетиш, хонадонда боқилаётганларини бўш қўйиб юбориш кабилар дайди итлар кўпайишига туртки бўлмоқда. Бизни эса бошқа бир нарса ажаблантиради: ҳовлиси ёки хонадонига итни боқилиши истамасанлар нима учун уларни махсус жойларга топширишмайди? Нима учун эндиқина туққан итларни эҳдида болалари билан кўчага ташлаб кетишади? Баъзи кишилар тазалик ва озодаликка риоя қилиш ўрнига нега турли-туман чиқиндилар ва озиқ-овқат қолдиқларини дуч келган жойга улоқтиришади? Ёки улар бу ҳайвонлар, гарчи инсоннинг вафодор дўсти дея таърифланса-да, дафъатан қимгадир ҳужум қилиши ёки касаллик юқтириши туфайли одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши мумкинлигини билишмайдими?... Аслида эса ҳаммасини билишади. Аммо... Сўнгги таҳлиллар эса шунини кўрсатаптики, мазкур ҳолатларни тартибга солишдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарур. Уй ҳайвонларини қийин аҳолга тутишишга сабабчи бўлаётганларга қатъий чора кўрилмас экан, муаммо мадда боғлаб кетаверди.

Ҳолида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Долзарб мавзу



